

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc30.08.2018.FM/T.02.09  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**КУЛЬМУРАТОВ НУРИЛЛО РАХИМОВИЧ**

**ДЕФОРМАЦИЯЛАНУВЧИ МУҲИТДА ЖОЙЛАШГАН БЎЛАКЛИ,  
БИР ЖИНСЛИ СУЮҚЛИКЛИ ЦИЛИНДРИК ЖИСМЛАРГА  
ТЎЛҚИНЛАР ТАЪСИРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
sciences**

**Кульмуратов Нурилло Рахимович**

Деформацияланувчи муҳитда жойлашган бўлакчи, бир жинсли суюқликчи  
цилиндрик жисмларга тўлқинлар таъсирининг хусусиятлари ..... 3

**Кульмуратов Нурилла Рахимович**

Особенности воздействий волны на кусочно-однородное цилиндрическое тело  
с жидкостью, находящейся в деформируемой среде ..... 21

**Kulmuratov Nurillo Raximovich**

Peculiarities of the exposure to a wave on a piece-unique cylindrical body with a  
liquid under the deformable environment ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc30.08.2018.FM/T.02.09  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**КУЛЬМУРАТОВ НУРИЛЛО РАХИМОВИЧ**

**ДЕФОРМАЦИЯЛАНУВЧИ МУҲИТДА ЖОЙЛАШГАН БЎЛАКЛИ,  
БИР ЖИНСЛИ СУЮҚЛИКЛИ ЦИЛИНДРИК ЖИСМЛАРГА  
ТЎЛҚИНЛАР ТАЪСИРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.DSc/T514 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Сафаров Исмоил Иброҳимович  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Мавланов Тўлқин  
техника фанлари доктори, профессор  
Бердиев Шавкат Давронович  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** Наманган муҳандислик қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc30.08.2018.FM/T.02.09 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил 23-ноябр кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 2351938. Факс: (8366) 2351938. E-mail: sasu\_info@edu.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (99 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 2351938. Факс: (8366) 2351938. E-mail: sasu\_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил 14-ноябр кuni тарқатилди. (2019 йил «14» ноябр даги 7 рақамли реестр баённомаси).



*[Handwritten signature]*

**Р.И.Халмуратов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

*[Handwritten signature]*

**А.Абдирашидов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, физика-математика фанлари доктори, доцент

*[Handwritten signature]*

**Х.Худойназаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда деформацияланувчи (эластик ва қовушок) муҳитларда жойлашган жисмларда мик ва портлаш тўлқинлари таъсирида ҳосил бўладиган кучланиш ва деформация, ҳамда тўлқин дифракцияси муаммоларини ўрганишга катта ёрдам қаратилмоқда. Сунги йилларда АҚШ, Франция, Хитой, Япония, Россия Федерацияси ва бошқа ривожланган мамлакатларда сейсмик ва портлаш тўлқинлари таъсирида ҳосил бўладиган юкланишлар остида ишловчи замонавий ер ости иншоотларининг мустаҳкамлигини таъминлаш ва улардаги кучланиш ва деформацияларини камайтириш жараёнини ифодаловчи классик бўлмаган моделлар қўланилмоқда. Шу жиҳатдан ер ости иншоотларининг таркибий қисми бўлган эластик ва қовушок-эластик қатламларда ҳосил бўладиган динамик кучланишлар ва деформацияларни камайтириш, улардаги тўлқин динамикасини ўрганиш ва билиш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда ер ости иншоотлари соҳасида қўлланиладиган материалларнинг, шу жумладан кўп қатламли ўзгарувчан қалинликдаги мураккаб физик хоссаларга эга бўлган ва муҳит билан алоқада бўлган цилиндрик полимер, бетон ва металл қобикларнинг мустаҳкамлигини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда, жумладан цилиндрик кўринишдаги суюқликли (суюқликсиз) жисмларнинг қовушок-эластиклик хусусиятини ҳисобга олиб, иншоотларнинг кучланиш-деформация ҳолатини аниқлашнинг математик моделларини ва замонавий ҳисоб усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга бундай иншоотларнинг ностационар ҳолати учун деформацияланувчи муҳитда жойлашган бўлакли, бир жинсли суюқликли цилиндрик жисмларга тўлқинлар таъсирининг хусусиятларини аниқлашнинг математик модели, алгоритми ва дастурларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда қурилиш ва техника соҳасида турли динамик юкланишлар таъсири остида бўлган цилиндрик кўринишдаги суюқликли (суюқликсиз) материалларнинг қовушок-эластиклик хусусиятини ҳисобга олиб, иншоотларнинг кучланиш-деформацияни ҳисоблаш модели ва алгоритминини яратиш ва амалиётга кенг тадбиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш..., ... тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш ...»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан деформацияланувчи муҳитда жойлашган бўлакли, бир жинсли суюқликли цилиндрик жисмларга тўлқинлар таъсирининг хусусиятларини ўрганиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

жараёнларини ифодаловчи такомиллаштирилган математик моделларни яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирларини тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолият соҳасига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва инновацион технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика, иншоотлар сейсמודинамикаси ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Деформацияланувчан қовушоқ-эластик муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли цилиндрик қобикларда тўлқинлар дифракцияси ва муҳит билан алоқада бўлган жисмларнинг хос тебранишлари муаммоси билан боғлиқ назарий ва тажрибавий илмий тадқиқот ишлари бўйича чет элда тадқиқотчилардан Ильюшин А.А., Бреховских Л.В., Викторов И.А., Горишков А.Г., Вольмир А.С., Генкин М.Д., Шемякин Е.И., Гузь А.Н., Гринченко В.Т., Комиссарова Г.Л., Нигул У.К., Гоголадзе В.Г., Трояновский И.Е., Кийко И.А., Молотков Л.А., Новичков Ю.И., Петрашень Г.И., Крауклис П.В., Фралов К.В., Антонов А.Н., Матвеев В.П., Анофрикова Н.С., Ахенбах Ж.Д., Дейвис Р.М., Шардаков И.Н., Старовойтов Э.И., Мейтцлер А., Микер Т., Митра Р., Кольский Г., Уайт., Сан Р.И., Шафер Б.В. ва бошқалар, юртимизда бу муаммони ечишда олимлардан Раҳматулин Х.А., Ўразбоев М.Т., Ширинкулов Т.Ш., Кабулов В.К., Рашидов Т.Р., Муборақов Я.Н., Мардонов Б.М., Султонов К.С., Маматқулов Ш.М., Мирсаидов М.М., Бадалов Ф.Б., Хожметов Г.Х., Ишанходжаев А.А., Мавлонов Т.М., Абдусатторов А., Сафаров И.И., Худойназаров Х., Ҳасанов Б.Э., Тешаев М.Х., Бозоров М.Б., Эшматов Х., Юлдашев Ш.С., Абдуқодиров С., Бўриев А., Ўсаров М., Абдирашидов А. ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бу соҳада улар муҳит билан алоқада бўлган цилиндрик ва сферик кўринишдаги жисмларда тўлқин дифракцияси (ёки қовушоқ-эластик ва акустик) масалаларни материалларнинг реологик хусусиятларини ҳисобга олиб динамик кучланишлар ва деформация ҳолатини ҳисоблаш усуларини ривожлантиришган. Уларнинг ишларида асосан эластик муҳитга жойлашган ҳалқа кўндаланг кесимли цилиндрик кўринишдаги жисмларда эластик тўлқин дифракцияси муаммоси ўрганилган. Идеал суюқликли цилиндрик

бўшлиқда текис эластик тўлқин дифракцияси масаласи махсус функциялар ёрдамида асимптотик ечимлар олинган.

Бугунги кунда бўлакли бир жинсли цилиндрик кўринишдаги жисмларда тўлқин дифракциясини материалнинг реологик хусусиятларини ҳисобга олиб ўрганиш, диссипатив бир жинсли бўлмаган цилиндрик формадаги жисмларда тўлқин дифракцияси ва хос тебранишларни ўрганиш, бўлакли бир жинсли диссипатив бир жинсли бўлмаган жисмларнинг қовушоқ-эластиклик хусусиятларини ифодаловчи релаксация ядроси ва унинг параметрларини танлаш асосида турли хил мавжуд назариялар натижаларини (тақрибий ва аниқ) таққослаш ва қўллаш чегарасини кўрсатиш масаларини ечиш усули ва алгоритмларини ишлаб чиқишдаги муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф-4-23 рақамли «Эластиклик назариясининг динамик масаласи уч ўлчамли бўлак-бўлак жинслардан иборат бўлган узлуксиз ярим фазода ҳаракатланувчи юкдан ҳосил бўладиган тўлқинларнинг тарқалишини тадқиқ қилиш» (2012-2016) ва ОТ-Ф4-01 «Қовушоқ суюқлик оқувчи кўп қатламли композит кувурлар эгри чизиқли эгри чизиқли бўлақларининг ҳарорат ва динамик юкланишлар таъсирида чизиқли бўлмаган кучланиш-деформация ҳолатини ўрганиш усулларини ишлаб чиқиш ва назариясини ривожлантириш» (2012-2016) мавзудаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қовушоқ-эластик муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суюқликли цилиндрик қобикларга тўлқинлар (гармоник ва турғун бўлмаган) таъсирининг такомиллаштирилган математик моделини қуриш ва тенгламаларни сонли ечиш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қовушоқ-эластик муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суюқликли цилиндрик қобикларда (гармоник ёки нотурғун) тўлқинларнинг таъсири масаласи материаллар реологик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда математик қўйилиши, уни ечиш методи ва алгоритми ишлаб чиқиш;

қовушоқ-эластик муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суюқликли цилиндрик қобикларнинг хос тебранишлари масаласи материал реологик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда математик қўйилиши, уни ечиш методи ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

қовушоқ-эластик муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суюқликли фазовий цилиндрик қобикда гармоник тўлқин юкланиши натижасида динамик кучланишлар ва деформация ҳолатининг ўзгаришига солиштирма баҳо бериш;

деформацияланувчи муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суюқликли цилиндрик қобикдаги контур кучланишлари қийматининг тўлқин тушиш бурчагига боғлиқлигини сонли ҳисоблашлар натижасида асослаб бериш;

**Тадқиқот объекти** сифатида суяқликли цилиндрик қобик, цилиндрик бўшлиқ, икки ва уч қатламли суяқликли цилиндрик жисм олинган.

**Тадқиқот предмети** қовушоқ-эластик муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суяқликли цилиндрик қобикларга тўлқинларнинг таъсири масалаларини бўлақларнинг реологик хусусиятлари ва геометрик параметрларини ҳисобга олган ҳолда математик моделини ривожлантириш ва сонли ечиш алгоритминини ишлаб чиқиш жараёнларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида деформацияланувчан қаттиқ жисм механикасининг хусусий ҳосилалари интегро - дифференциал тенгламаларни ечиш учун деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси ва математик физиканинг махсус функциялари орқали ечимни топиш, Мюллер ва Фурьенинг интеграл алмаштиришлари, Гаусс ва Рөмберг усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қовушоқ-эластик муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суяқликли цилиндрик қобикларда (гармоник ёки нотурғун) тўлқинларнинг таъсири масаласи материаллар реологик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда масаланинг математик қўйилиши, уни ечиш методи ва алгоритми ишлаб чиқилган;

қовушоқ-эластик муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суяқликли цилиндрик қобикларнинг хос тебранишлари масаласи материал реологик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда масаланинг математик қўйилиши, уни ечиш методи ва алгоритми ишлаб чиқилган;

қовушоқ-эластик муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суяқликли фазовий цилиндрик қобикда гармоник тўлқин юкланиши натижасида динамик кучланишлар ва деформация ҳолатининг ўзгаришига солиштирма баҳо берилган;

деформацияланувчи муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суяқликли цилиндрик қобикдаги контур кучланишлари қийматининг тўлқин тушиш бурчагига боғлиқлигини сонли ҳисоблашлар натижасида асослаб берилган;

юмшоқ грунтда бўлган бетон қобикда  $SH$  тўлқин, бошқа  $SV$  ва  $P$  тўлқинларга қараганда, катта контур кучланишлари ҳосил қилиши топилган.

қовушоқ-эластик муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суяқликли цилиндрик қобикларнинг бўйлама ва кўндаланг тўлқинлар таъсиридаги максимал динамик кучланишлари манбанинг яқинлашишга боғлиқлиги топилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

деформацияланувчи муҳитда жойлашган қатламли цилиндрик жисмларга тўлқин юкланиши оқибатида ҳосил бўладиган кучланишлар ва деформация ҳолати учун цилиндрик жисмлар мустаҳкамликни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилди;

спектрал масалада комплекс частоталарни чекли сондаги модаларини топиш муаммосини ҳал қилинди;



бўйлама ва кўндаланг юкланиш остидаги деформацияланувчи муҳит ва иккита цилиндрик қобик билан ҳимояланган цилиндрик жисмдаги кучланишлар тақсимооти аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Чегаравий ва спектраль масаланинг кўйилиши, келтириб чиқарилган математик ифодаларнинг қатъийлиги, асосланган ечиш усулларида фойдаланиш ва ечимларнинг аниқлигини баҳолаш бошқа математик кўйилган масалаларнинг ечимларига мослиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий аҳамияти деформацияланувчи муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суюқликли қобикларда тўлқин юкланиши ва дифракцияси назариясининг ривожланишига салмоқли ҳисса кўшилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти деформацияланувчи муҳитда жойлашган қатламли цилиндрик жисмларда тўлқин юкланиши оқибатида ҳосил бўладиган кучланишлар ва деформация ҳолатининг янги қонуниятларини ўрганиш имкониятининг пайдо бўлиши, спектрал масалада комплекс частоталарнинг чекли сондаги моддаларини топиш муаммосини ҳал қилиниши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қовушоқ-эластик муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суюқликли цилиндрик қобикларга цилиндрик бўйлама ва кўндаланг тўлқинлар ёки юкланишлар таъсири масалаларини материалнинг реологик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда математик моделлаштириш назариясини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган ҳисоблаш методи, алгоритми ва дастурлари бўйича олинган натижалар асосида:

материаллар реологик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда қовушоқ-эластик муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суюқликли цилиндрик қобикларда (гармоник ёки нотурғун) тўлқинларнинг таъсири масаласининг математик модели №Ф4-14 «Суюқлик оқувчи ер ости эгри чизикли қувурнинг ташқи кучлари таъсиридаги кучланиш-деформациялар ҳолатини татқиқ қилиш назариясини ривожлантириш ва ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш» (2012-2016) мавзудаги фундаментал лойиҳа доирасида олиб борилган суюқлик оқувчи цилиндрик ва тороидал қобикларнинг эркин тебранишлари назариясини ривожлантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 15 ноябрдаги 89-03-3928-сон маълумотномаси). Натижада суюқлик оқувчи цилиндрик ва тороидал қобиклардаги максимал кучланишларни 20% гача камайтириш имконини берган;

ер ости портлаши ва сейсмик юкланиш таъсиридан ер ости қувурларида пайдо бўладиган қисқа частотали тўлқинлар таҳлилини берувчи ишлаб чиқилган сонли алгоритм ва дастур Навоий кон-металлургия комбинати таркибидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш объектларида масофада бўлган тўлқинларнинг резонанс ҳолатларини аниқлаш имконини берган (НКМК Марказий илмий тадқиқот лабораториясининг 2018 йил 28 декабрдаги 2383-

сон далолатномаси ҳамда НКМКнинг 2019 йил 30 майдаги 02-06-07/6924 сонли маълумотномаси). Натижада бу цилиндрик қувурлардаги қисқа тўлқинлар соҳасида тебраниш частоталарини 15-17 фоизга камайтириш, унинг ҳисобидан мустаҳкамликни 20 фоизга ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 10 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий, анжуманларида ва симпозиумларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 1 таси республика ва 6 таси хорижий нашрларда нашр қилинган, ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилинганлиги тўғрисида 1 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 133 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида масаланинг кенгайтирилган характеристикаси ва муаммонинг долзарблиги, диссертация ишининг мақсади, ҳимоя олиб чиқилаётган асосий илмий янгилигилари, республика фан ва инновацион технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ва олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари кенг очиб берилиб, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва унинг барча боблари бўйича қисқача мазмуни келтирилган.

Диссертациянинг «**Деформацияланувчи муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суюқликли цилиндрик жисмга тўлқинларнинг таъсири**» деб номланган биринчи бобида деформацияланувчи муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суюқликли цилиндрик жисмда тўлқинларнинг таъсирлари масалаларини қўйилиши, ечиш услубиёти ва алгоритми келтирилган. Бўлакли бир жинсли суюқликли цилиндрик жисм ҳаракатининг хусусий ҳосилали интегро-дифференциал тенгламаси, қобиқ ва суюқлик тенгламалари орқали ифодаланади (1-расм):


$$(\tilde{\lambda}_j + 2\tilde{\mu}_j)\text{graddiv } \vec{u}_j - \tilde{\mu}_j \text{rotrot} \vec{u}_j + \vec{b}_j = \rho_j \frac{\partial^2 \vec{u}_j}{\partial t^2}, \quad (j = 2, 4, \dots, N+1), \quad (1)$$

$$L\tilde{E}\vec{u} = \frac{(1-\nu_0^2)}{h_0} \vec{p} + \rho_0(1-\nu_0^2) \left( \frac{\partial^2 \vec{u}}{\partial t^2} \right), \quad (k = 1, 3, \dots, N); \quad \Delta\varphi_0 - \frac{1}{c_0^2} \ddot{\varphi}_0 = 0, \quad (2)$$

бунда  $\tilde{\lambda}_j$ ,  $\tilde{\mu}_j$  ва  $\tilde{E}_k$  оператор кўринишдаги эластиклик модуллари

$$\begin{aligned} \tilde{\lambda}_j f(t) &= \lambda_{0j} \left[ f(t) - \int_{-\infty}^t R_\lambda^{(j)}(t-\tau) f(\tau) d\tau \right], & \mu_j f(t) &= \mu_{0j} \left[ f(t) - \int_{-\infty}^t R_\mu^{(j)}(t-\tau) f(\tau) d\tau \right]; \\ \tilde{E}f(t) &= E_{01} \left[ f(t) - \int_{-\infty}^t R_E(t-\tau) f(\tau) d\tau \right], & \beta_1^{(k)} &= \frac{\gamma_k (1-v_k^2) c_1^2 R_k^2}{R_1}, & \beta_2^{(k)} &= \frac{R_k^2 (1-v_k^2) c_1^2 \rho_1}{h_k R_1}, \end{aligned} \quad (3)$$

Бунда  $E_{01}$  - Юнг модули;  $\bar{u} = \bar{u}(u_r, u_\theta, u_z)$  - қобик ўрта сиртини кўчиш вектори (Кирхгоф - Ляв гипотезалари ўринли бўлганда), кўпинча қуйидагича белгилаш киритилади ( $u_r = u$ ;  $u_\theta = v$ ;  $u_z = w$ ), Бу ерда  $\bar{u}_j(u_{rj}, u_{\theta j}, u_{zj})$  - кўчиш вектори бўлиб  $r, \theta, z, t$  - нинг функцияси;  $\varphi_0$  - идеал суюқлик ҳаракатини ифодаловчи потенциал функция;  $\rho_j$  - қатлам материалнинг зичлиги;  $\gamma_k$  - қобик материалнинг зичлиги;  $\bar{b}_j$  - ҳажмий куч ( $b_j = 0$ );  $f(t)$  - узлуксиз функция;  $R_E^{(j)}(t-\tau)$ ,  $R_\mu^{(j)}(t-\tau)$  ва  $R_\lambda^{(j)}(t-\tau)$  - релаксация ядроси;  $\lambda_{0j}, \mu_{0j}$  - қатламнинг ёпишқоқлик назариясидаги оний эластиклик модули,  $E_{01}$  - қобикнинг оний эластиклик модули.



1-расм. Деформацияланувчи муҳитда жойлашган бўлакчи бир жинсли суюқликчи цилиндрик жисмдаги тўлқинларнинг дифракцияси масаланинг ҳисоб схемаси.

Ҳисоблашларда уч параметрли Колтунов-Рижаницин релаксация ядросидан фойдаланилди  $R_k(t) = A_k e^{-\beta_k t} / t^{1-\alpha_k}$ . Қатламлар орасида қаттиқ маҳкамланганлик (ёки сирпанувчи) шарти

$$\begin{aligned} r = a_k : \quad \sigma_{rrk} &= \sigma_{rr(k+1)}; \quad \sigma_{r\theta k} = \sigma_{r\theta(k+1)}; \quad \sigma_{rz k} = \sigma_{rz(k+1)}; \\ u_k &= u_{k+1}; \quad \vartheta_k = \vartheta_{k+1}; \quad w_k = w_{k+1}. \end{aligned} \quad (4)$$

Қатламнинг эркин сатҳида кучланишлардан озод бўлганлик шарти

$$r = R_1 : \quad \sigma_{rrN} = 0; \quad \sigma_{r\theta N} = 0; \quad \sigma_{rzN} = 0 \quad (5)$$

Агар  $r \rightarrow \infty$  муҳитнинг бўйлама ва кўндаланг тўлқин потенциаллари учун ( $j = N + 1$ ) Зоммерфельднинг чексизликда тўлқин ютилиши шарти қўйилади

$$\begin{aligned} \lim_{r \rightarrow \infty} \varphi_{N+1} &= 0, \quad \lim_{r \rightarrow \infty} (\sqrt{r})^\kappa \left( \frac{\partial \varphi_{N+1}}{\partial r} + i\alpha_{N+1} \varphi_{N+1} \right) = 0, \\ \lim_{r \rightarrow \infty} \psi_{N+1} &= 0, \quad \lim_{r \rightarrow \infty} (\sqrt{r})^\kappa \left( \frac{\partial \psi_{N+1}}{\partial r} + i\beta_{N+1} \psi_{N+1} \right) = 0 \end{aligned}$$

Муҳитда таркалаётган цилиндрик ва текис тўлқинлар текис деформация ҳолати учун қуйидагича учта ҳолда бўлади:

$$1. \quad \varphi_{N+1}^{(i)} = A e^{i(\alpha_{N+1} x - \alpha t)}, \quad \psi_{N+1}^{(i)} = 0; \quad 2. \quad \psi_{N+1}^{(i)} = A e^{i(\beta_{N+1} x - \alpha t)}, \quad \varphi_{N+1}^{(i)} = 0, \quad 3. \quad \varphi_{N+1}^{(i)} = \varphi_{(N+1)0} i \pi H_0^{(1)}(\alpha_{N+1} \bar{r}) e^{-i\alpha t}. \quad (6)$$

Агар қатламли цилиндрик жисм турғун бўлмаган тўлқин юкланишида бўлса, у ҳолда уни қуйидагича бўлади.

$$\sigma_{xyn}^{(p)} = \sigma_0 H(\hat{t}), \quad \sigma_{xyn}^{(p)} = \sigma_0 \frac{v_n}{1-v_n} H(\hat{t}), \quad \hat{t} = t - (x + r_N) / C_{Pn}, \quad (7)$$

бунда  $\sigma_0$  - тушадиган тўлқин амплитудаси;  $H(t)$  - Хевисайднинг бирлик функцияси;  $n=1,2,\dots,N+1$  - цилиндрик қатламларнинг тартиб рақамлари;  $n=N$  - цилиндрни ўраб турувчи муҳит.

Цилиндрик жисм ва муҳитни кўчиш вектори қуйидагича

$$\vec{u}_j = \text{grad } \varphi_j + \text{rot } \vec{\psi}_j, \quad (8)$$

Асосий масалалар эластиклик назариясининг текис деформация ҳолати масаласига олиб келинади. Шунинг учун  $\varphi_j$  - бўйлама ва  $\vec{\psi}_j(0,0,\psi)$  - кўндаланг тўлқин потенциаллари қўйидаги интегро-дифференциал тенгламаларни қаноатлантиради

$$\begin{aligned} (\lambda_{oj} + 2\mu_{oj}) \nabla^2 \varphi_j - \lambda_{oj} \int_{-\infty}^t R_{\lambda}^{(j)}(t-\tau) \nabla^2 \varphi_j d\tau - 2\mu_{oj} \int_{-\infty}^t R_{\mu}^{(j)}(t-\tau) \nabla^2 \varphi_j d\tau &= \rho_j \frac{\partial^2 \varphi_j}{\partial t^2}; \\ \mu_{oj} \nabla^2 \vec{\psi}_j - \mu_{oj} \int_{-\infty}^t R_{\mu}^{(j)}(t-\tau) \nabla^2 \vec{\psi}_j d\tau &= \rho_j \frac{\partial^2 \vec{\psi}_j}{\partial t^2} \end{aligned} \quad (9)$$

бунда  $\nabla^2 = \frac{\partial^2}{\partial r^2} + \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} + \frac{1}{r^2} + \frac{\partial^2}{\partial \theta^2}$  - цилиндрик координаталар системасидаги дифференциал оператор ва  $\nu_j$  - Пуассон коэффициенти. Юқорида келтирилган (9) тенгламанинг ечими қуйидагича изланади:

$$\varphi_j(r, \theta, t) = \sum_{k=1}^{\infty} q_{kj}^{(\varphi)}(r) \cos(n\theta) e^{-i\omega t}; \quad \psi_j(r, \theta, t) = \sum_{k=1}^{\infty} q_{kj}^{(\psi)}(r) \sin(n\theta) e^{-i\omega t}, \quad (10)$$

$$g^{(k)}(R_k, \theta, t) = \sum_{k=1}^{\infty} V_k(R_k) \sin(n\theta) e^{-i\omega t}, \quad w^{(k)}(R_k, \theta, t) = \sum_{k=1}^{\infty} W_k(R_k) \cos(n\theta) e^{-i\omega t},$$

$$\nabla^2 q_{kj}^{(\varphi)}(r, \theta) + \alpha_j^2 q_{kj}^{(\varphi)} = 0, \quad \nabla^2 q_{kj}^{(\psi)}(r, \theta) + \beta_j^2 q_{kj}^{(\psi)} = 0, \quad \nabla^2 q_{k0}^{(\varphi)}(r, \theta) + \alpha_0^2 q_{k0}^{(\varphi)} = 0, \quad j=1,2,\dots,N. \quad (11)$$

Бунда 
$$\alpha_j^2 = \frac{\rho \omega^2}{\lambda_{oj}(1-\bar{\lambda}_{oj}) + 2\mu_{oj}(1-\bar{\mu}_{oj})}, \quad \beta_j^2 = \frac{\rho \omega^2}{\mu_{oj}(1-\bar{\mu}_{oj})}, \quad \alpha_0^2 = \frac{\omega^2}{C_0^2}$$

$$\bar{\lambda}_{oj} = a_{\lambda j}(\omega) + i b_{\lambda j}(\omega), \quad \bar{\mu}_{oj} = a_{\mu j}(\omega) + i b_{\mu j}(\omega),$$

$$a_{\lambda j}(\omega) = \int_0^{\infty} R_{\lambda j}(\tau) \sin \omega \tau d\tau, \quad b_{\lambda j}(\omega) = \int_0^{\infty} R_{\mu j}(\tau) \cos \omega \tau d\tau.$$

$V_k(R_k)$ ,  $W_k(R_k)$  - амплитуда функцияси бўлиб, (3) га қўйиш орқали аниқланади. Цилиндрик муҳитни ўраб турувчи муҳит учун тўлиқ потенциаллар қуйидагича бўлади:

$$\phi_{N+1} = \phi_{N+1}^{(p)} + \phi_{N+1}, \quad \Psi_N = \psi_N, \quad \phi_j = \varphi_j, \quad \Psi_j = \psi_j, \quad \phi_0 = \varphi_0 \quad (j=1,2,\dots,N).$$

1-расмда келтирилган геометрик муносабатлардан фойдалансак, яъни  $\bar{r}, \bar{\theta}$  координатадан  $r, \theta$  координатага ўтсак  $r \leq r_N$  соҳа учун

$$\varphi_N^{(p)} = \varphi_0 i \pi \sum_{n=1}^{\infty} [(-1)^n E_n J_n(\alpha_N r) H_n^{(1)}(\alpha_N z)] \cos n\theta e^{-i\omega t}, \quad (12)$$

бунда  $E_n = \begin{cases} 1, & n=0 \\ 2, & n \geq 1 \end{cases}$ ,  $J_n$  - Бесселнинг цилиндрик функцияси.

Бу оддий дифференциал тенгламалар Бессел тенгламалари бўлиб, уларнинг ечимлари 1 ва 2 жинсли  $n$ -тартибли Бессел ва Ханкел функциялари орқали ифодалангани:

$$\begin{aligned}\varphi_j &= \sum_{n=0}^{\infty} [A_{nj} H_n^{(1)}(\alpha_j r) + A'_{nj} H_n^{(2)}(\alpha_j r)] \cos n\theta e^{-i\alpha r}; \\ \psi_j &= \sum_{n=0}^{\infty} [B_{nj} H_n^{(1)}(\beta_j r) + B'_{nj} H_n^{(2)}(\beta_j r)] \sin n\theta e^{-i\alpha r}; \quad j = 1, 2, \dots, N-1; \\ \varphi_N &= \sum_{n=0}^{\infty} [C_{nN} H_n^{(1)}(\alpha_N r) + D_{nN} H_n^{(2)}(\alpha_N r)] \cos n\theta e^{-i\alpha r}; \\ \psi_N &= \sum_{n=0}^{\infty} [M_{nN} H_n^{(1)}(\beta_N r) + L_{nN} H_n^{(2)}(\beta_N r)] \sin n\theta e^{-i\alpha r}; \\ \varphi_0 &= \sum_{n=0}^{\infty} [K_{n0} J_n(\alpha_0 r) + K'_{n0} N_n(\alpha_0 r)] \cos n\theta e^{-i\alpha r},\end{aligned}\tag{13}$$

бунда  $A_{nj}, A'_{nj}, B_{nj}, B'_{nj}, C_{nj}, D_{nj}, L_{nN}, M_{nN}, K_{nN}$  ва  $K'_{nN}$  - ихтиёрий ўзгармас катталиклар, бўлиб чегаравий шартлардан топилади;  $H_n^{(1)}(\alpha_j r)$  ва  $H_n^{(2)}(\alpha_j r)$  - мос равишда Бессел ва Ханкел функциялари  $H_n^{(1)(2)}(\alpha r) = J_n(\alpha r) \pm iN_n(\alpha r)$ .

Агар (13) ечим ( $j = N$ ) чексизликда ( $r \rightarrow \infty$ ) Зоммерфельднинг ютилиш шартини қаноатлантирса, у ҳолда қуйидагича бўлади:

$$\varphi_N = \sum_{n=0}^{\infty} [C_{nN} H_n^{(1)}(\alpha_N r) + D_{nN} H_n^{(2)}(\alpha_N r)] \cos n\theta e^{-i\alpha r}; \quad \psi_N = \sum_{n=0}^{\infty} [M_{nN} H_n^{(1)}(\beta_N r) + L_{nN} H_n^{(2)}(\beta_N r)] \sin n\theta e^{-i\alpha r}$$

Ихтиёрий ўзгармасларни топиш учун чегаравий шартлардан фойдалансак бир жинсли бўлмаган комплекс коэффицентли алгебраик тенгламалар системасини оламыз:

$$[C]\{q\} = \{p\}\tag{14}$$

бунда  $\{q\}$ - устун вектори бўлиб ихтиёрий ўзгармаслардан ташкил топган;  $\{p\}$ - ташки тушадиган тўлқин таъсиридаги устун вектори;  $[C]$  - квадрат матрица, элементлари Бесселя ва Ханкеля функцияларидан ташкил топган.

Деформацияланувчи жисмдаги турғун бўлмаган тўлқинларнинг юкланиши ва дифракцияси масаласи математик қўйилиши келтирилган. (1) тенглама ва чегаравий шартларнинг қўчиш потенциаллари орқали ифодаланган тенгламаларини вақт бўйича Фурьенинг интеграл алмаштиришлари орқали ечилади. Фурьенинг тескари алмаштирилиши сонли Ромберг усули ёрдамида амалга оширилади. Шундай қилиб, биринчи бобда деформацияланувчи муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суюқликли цилиндрик жисмдаги тўлқинларнинг (юкланиши) таъсири ўрганилиб математик қўйилиши ва ечиш методикаси келтирилган.

Диссертациянинг «**Деформацияланувчи муҳитда жойлашган бўлган бўлакли, бир жинсли цилиндрик қобикларнинг хос тебранишлари**» деб номланган иккинчи бобида бўлакли бир жинсли цилиндрик қобик ва қатламларнинг (суюқликли ва суюқликсиз) хос тебранишларини ўрганишга бағишланган. Бу гармоник тўлқинлар таъсирида цилиндрик иншоотга рўй бериши мумкин бўлган резонанс ҳодисасини аниқлашга имкон берган. Сонли натижалар олинган ва таҳлил этилган. Цилиндрик қобик ва уни ўраб турган муҳит узун бўлганлиги сабабли, ўрганилаётган масалани эластиклик назариясининг текис деформация масаласига олиб келиш мумкин. У ҳолда

ҳаракат дифференциал тенгламаси цилиндрик координаталар системасида кўринишда бўлади. Бўйлама ва кўндаланг потенциаллар тўлқин тенгламасини қаноатлантиради. Мисол тариқасида эластик мухитдаги цилиндрик соҳа учун қуйидаги частота тенгламасини оламыз:

$$D_n = xH_{n-1}[(n^2 - 1)yH_{n-1}(y) - (n^3 - n + y^2/2)H_n(y)] - H_n(x)[(n^3 - n + y^2/2)yH_{n-1}(y) - (n^2 + n - y^2/4)y^2H_n(y)] = 0, \quad (15)$$

бунда  $x = \omega R(\rho/(\lambda + 2\mu))^{1/2}$ ;  $y = \omega R(\rho/\mu)^{1/2}$ ,  $\lambda$  ва  $\mu$  - Ламе коэффициентлари;  $\rho$  - материал зичлиги. Комплекс параметрли частота тенгламаси (16) Мюллер, усули ёрдамида ечилади.

Ҳақиқий ( $\text{Re}\Omega$ ) ва мавҳум ( $\text{Im}\Omega$ ) қисмлар комплекс частотанинг ҳақиқий қисми механик системани тебранишлар частотасини ифода қилса, мавҳум қисми эса демпфирлаш коэффициентини ифодалар экан (сўндириш коэффициенти).

Ҳисоблаш натижалари  $n \geq 0$ , ( $\nu_1 = 0,25$ ) 1-жадвалда келтирилган.

1 -жадвал

**Комплекс частотани  $n$  га нисбатан ўзгариши**

$\Omega$	n=0	n=1	n=2	n=3
Re $\Omega$	0.49729D+00	0.12923D+01	0.19975D+01	0.37535D+01
Im $\Omega$	-i0.42651D-01	-i0.56641D+00	-i0.89782D+00	-i0.93152D+00
Re $\Omega$			0.28911D+00	0.52375D+01
Im $\Omega$			-i0.17812D+00	-i0.32183D+01
Re $\Omega$			0.404637D+00	0.12317D+00
Im $\Omega$			-i0.178332D+00	-i0.20283D-01

Жадвалдаги натижаларни таҳлилидан  $n$  ни ортиб бориши билан комплекс частотанинг ҳақиқий ва мавҳум қисмлари ҳам ортиб боради. Қовушоқ - эластик ва унда жойлашган цилиндрик қобик хос сонларни аниқлайдиган частота тенгламаси қуйидагича бўлади.

$$h_2(\Omega_0^2 \nu_2 - a_n) + b_1 - b_1 d_1 \Omega_1 H_1^{(1)}(\Omega) / H_1^{(1)}(\Omega) = 0. \quad (16)$$

Частота тенгламаси фақат Пуассон коэффициентига ( $\nu$ ) боғлиқ бўлади. Пуассон коэффициентининг қиймати  $0 \leq \nu \leq 0,4$  оралиқда ўзгарганда частотанинг ҳақиқий ва мавҳум қисмлари 27% гача ўзгариши аниқланди. Натижалар 2 –жадвалда келтирилган.

2 -жадвал

**Комплекс частотани  $E$  га нисбатан ўзгариши**

$\Omega$	E=0,0025	E=0,05	E=0,1	E=0,15	E=0,25
Re $\Omega$	$1.24308 \cdot 10^{-1}$	$2.43758 \cdot 10^{-1}$	$33.16140 \cdot 10^{-1}$	$4.15825 \cdot 10^{-1}$	$10271 \cdot 10^{-15}$
Im $\Omega$	$-i \cdot 89267 \cdot 10^{-2}$	$-i4 \cdot 39219 \cdot 10^{-2}$	$-i6 \cdot 30756 \cdot 10^{-2}$	$-13 \cdot 19538 \cdot 10^{-2}$	$-i1 \cdot 24791 \cdot 10^{-2}$

Шундай қилиб, иккинчи бобда чексиз мухитда жойлашган цилиндрик жисмнинг хос сонларини топиш масаласининг қўйилиши ва ечиш услубиёти

тавсия этилди. Олинган сонли натижалар таҳлилидан келиб чиқадики муҳитнинг эластиклик модулини ошиб бориши комплекс хос сонларнинг қийматларини секин текис оширади, шунингдек, Пуассон коэффициенти қийматини 5-7% гача ўзгартиради. Хос сонларнинг ҳақиқий ва мавҳум қисмлари қаттиқ маҳкамланганлик ва сирпанувчанлик шартларида 15% гача фарқ қилиши аниқланди. Қобик қалинлигини ошиши хос сонларни ҳақиқий ва мавҳум қисмларини 20% гача оширади. Агар муҳитнинг инерцияси ҳисобга олинмаса, биринчи частотанинг қиймати 20% гача, иккинчи частотанинг қиймати 5-10% гача ошади, учинчи частотанинг қиймати амалда ўзгармаслиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Деформацияланувчи муҳитда жойлашган бўлакли бир жинсли суюқликли цилиндрик жисмдаги гармоник тўлқинлар дифракцияси**» деб номланган учинчи бобида бўлакли бир жинсли суюқликли цилиндрик қатламдаги гармоник тўлқинлар таъсири ва дифракцияси масаласи ечилган. Ҳисоб схемаси 1- расмда келтирилган  $n=0$ .

Ҳисоблашлар биринчи бобда келтирилган Гаусс, Мюллер ва математика-физиканинг махсус функцияларни ҳисоблаш усуллари асосида яратилган алгоритм ва дастур ёрдамида амалга оширилди. Қаторлар  $10^{-8}$  аниқликда ҳисобланди. Барча кўчиш ва кучланишлар қуйидагича аниқланди:

$$(R + i \operatorname{Im})e^{-i\omega t} = (R^2 + \operatorname{Im}^2)^{1/2} e^{-i(\omega t - \gamma)}.$$

Аргументлар ошиб бориши билан Ханкелнинг 1-чи ва 2-чи жинсли  $n$ -чи тартибли комплекс аргументли функциясини яқинлашиши тезлашади. Сонли ҳисоблашлар натижасида топилдики, Ханкел функцияларини 5-6 ҳадини олиш, қатор яқинлашиши аниқлиги  $10^{-6} - 10^{-8}$  тенг бўлади. Ҳисоблашларда ядро релаксацияси учун уч параметерли кучсиз сингуляр хоссага эга бўлган Рижаницен-Колтунов ядроси  $R(t) = \frac{Ae^{-\beta t}}{t^{1-\alpha}}$  дан фойдаланилган, бунда  $A, \alpha, \beta$ - материалларни реологик хоссаларини ифодаловчи параметрлардир. Ҳисоблашлар учун қуйидаги параметрлар қабул қилинган:

$$E_1 = 2,1 \times 10^{10} \frac{H}{M^2}; \quad \rho_1 = 2,0 \times 10^3 \frac{K\sigma}{M^3}; \quad A = 0,048; \quad \beta = 0,05; \quad \alpha = 0,1$$

$$E_2 = 1,95 \times 10^{11} \frac{H}{M^2}; \quad \rho_2 = 7,86 \times 10^{11} \frac{K\sigma}{M^3}; \quad R_1 = 0,02R$$

Материалларнинг қовушоқлик хоссаларини ҳисобга олиш, кўчиш ва кучланишларни 10–16% камайтиришга имкон беради. Кучланишларни тақсимланиши узун тўлқинлар соҳасида  $\left(\frac{D}{\lambda} < 1\right)$  суюқликли ва суюқликсиз қувурларда 14% гача, қисқа тўлқин узунликдаги соҳада эса  $\left(\frac{D}{\lambda} > 1\right)$ , уларнинг фарқи 40 % бўлиши аниқланди (3, 4 жадвал).

3-жавал

**Суюқликли қатламда бўйлама тўлқин таъсиридаги радиал кучланишнинг ўзгариши**

Бурчак: $\theta$	$0^\circ$	$45^\circ$	$90^\circ$	$135^\circ$	$180^\circ$
Бўш қатлам $\sigma_{rr}$	0.56721	0.47231	0.72311	0.51438	0.65910
Суюқликли қатлам $\sigma_{rr}$	0.57782	0.44359	0.72301	0.54027	0.78865

Бўйлама тўлқин юкланишида максимал радиаль кучланиш, қатламнинг  $\theta = 90^\circ$  ва  $270^\circ$  бурчакларида аниқланди.

4-жавал.

**Суюқликли қатламда кўндаланг тўлқин таъсиридаги радиал кучланишининг ўзгариши**

Бурчак: $\theta$	$0^\circ$	$45^\circ$	$90^\circ$	$135^\circ$	$180^\circ$
Бўш қатлам $\sigma_{rr}$	0.44731	0.73712	0.56621	0.89201	0.87347
Суюқликли қатлам $\sigma_{rr}$	0.49283	0.91024	0.60237	0.89425	0.88936

